

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
АКАДЕМИЯСИ**

**ИБРОХИМОВ БАХТИЁР ТОИРЖОНОВИЧ**

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ПРОКУРОР ВА СУД НАЗОРАТИНИНГ  
ЎЗARO МУТАНОСИБЛИГИГА ОИД МАСАЛАЛАР**

12.00.09 – Жиноят процесси, Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқи ва  
суд экспертизаси мутахассислиги

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Table of contents of the author abstract of the dissertation of Doctor**  
**of Philosophy (PhD)**

**Иброхимов Бахтиёр Тоиржонович**

Жиноят процессида прокурор ва суд назоратининг ўзаро муносиблигига оид масалалар..... 3

**Иброхимов Бахтиёр Тоиржонович**

Вопросы соотношения прокурорского и судебного надзора в уголовном процессе..... 23

**Ibrokhimov Bakhtiyor Toirjonovich**

Issues of the relationship between prosecutorial and judicial supervision in criminal proceedings ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/31.12.2020.Үн.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
АКАДЕМИЯСИ**

**ИБРОХИМОВ БАХТИЁР ТОИРЖОНОВИЧ**

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ПРОКУРОР ВА СУД НАЗОРАТИНИНГ  
ЎЗARO МУТАНОСИБЛИГИГА ОИД МАСАЛАЛАР**

12.00.09 – Жиноят процесси, Криминалистика, тезкор-қидирув ҳукуқи ва  
суд экспертизаси мутахассислиги

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.1.PhD/Үу1347 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.proacademy.uz](http://www.proacademy.uz)) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Шайзаков Шодияр Ибрагимович**  
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Пўлатов Бахтиёр Халилович**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Ҳидоятлов Бахтиёр Батырович**  
юридик фанлар номзоди, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Үу.67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил 15 куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100190, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9. Тел.:(99871) 202-04-96; e-mail: [info@proacademy.uz](mailto:info@proacademy.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (59-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100190, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9. Тел.:(99871) 202-04-96).

Диссертация автореферати 2025 йил 03 июль куни тарқатилди.  
(2025 йил 03 июлдаги 24-рақамли реестр баённомаси).

**М.А.Аминжонова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

**И.Б.Джураев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар доктори, профессор

**В.Каримов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида одил судлов фаолиятини юксалтириш муҳим омиллардан бирига айланиб бормоқда. Қонун устуворлиги индекси (The Rule of Law Index) бўйича 2023-2024 йилларда 63% давлатларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бузилган бўлса, 57% давлатларда қонун устуворлиги пасайган.<sup>1</sup> Бунга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари томонидан мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф ҳаракатлари ёки самарасиз бошқаруви туфайли жиноий одил судлов тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинларини ҳимоя қилишда сусткашликка йўл қўйилаётганлиги асосий омиллардан бири сифатида кўрсатилмоқда. Шу боисдан мамлакатларда жиноий одил судлов тизимида прокурор ва суд назоратининг ўзаро мутаносиблигини таъминлаш орқали инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш зарурияти кучайиб бормоқда.

Жаҳонда ушбу йўналишда фундаментал тадқиқотлар ўтказиш, жиноят ишини қўзғатиш босқичидан самарали суд назорати тизимини такомиллаштириш орқали тергов судьясининг мақоми, унинг функция ва вазифаларини аниқ белгилаш, қонун устуворлигини таъминлашда прокурор назоратининг оптимал мувозанатига эришиш, дастлабки ва кейинги тергов ҳаракатларини ўтказиш кетма кетлигини тўғри белгилашда прокурор ва суд назоратининг аниқ чегараларини белгилаш, соҳада адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда мавжуд камчиликларни хорижий давлатлар қонунчилиги тажрибаси асосида таҳлил қилиш ҳамда такомиллаштириш, прокурор ва суд назоратининг ўзаро мутаносиблигига оид қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ процессуал муаммоларнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз жиноят процессуал қонунчилигида назарда тутилган бир қатор санкция бериш ҳуқуқи судлар ваколатига ўтказилиши Конституция ва қонунларнинг устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилмоқда. Шу мақсадда 2025 йил 1 январдан жорий этилган тергов судьяларига судга қадар иш юритув даврида процессуал қарорларга санкция бериш, мажбурлов чораларини қўллаш масаласи ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатининг берилиши суд-ҳуқуқ ислохотларининг янги босқичини бошлаб берди. Биргина ўтган давр мобайнида тергов судьялари томонидан 52694 нафар шахсга нисбатан 45111 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар кўрилган бўлса, 3304 та тинтув ўтказиш, 212 та почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш, 3196 та қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш, 119 та уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш, 21 та қамоқда сақлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномалар кўрилиб, 204 та қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги илтимосномалар рад этилган.<sup>2</sup> Бу эса, прокурор ва суд назоратининг ҳуқуқий моҳиятини ва табиатини ойдинлаштиришни, яъни уни

<sup>1</sup> <https://worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/insights#global-decline>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 18.03.2025 йилдаги 07-14/25-8455-сонли маълумотномаси

амалга ошириш чегаралари ва шакллари белгилаш, давлат фаолиятининг «одил судлов», «прокуратура назорати» каби турлари билан ўзаро муносабатларини, унинг босқичларининг хусусиятларини аниқлаш зарурати билан боғлиқ илмий-амалий ёндашувларни ўрганиш, прокурор назорати ва суд назорати ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилишни, мавжуд муаммолар юзасидан назарий, амалий, процессуал, ташкилий жиҳатларини такомиллаштиришга оид таклифларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (2023), Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (1994), «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни (2001), «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги (2022), ««Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида» (2023), «Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш тўғрисида»ги (2023), «Тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2024) Фармонлари, «Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгрок жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017), «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилик тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018) Қарорлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Диссертация тадқиқотининг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамиз олимларидан Ғ.А.Абдумажидов, М.Х.Рустамбаев, Б.П.Пўлатов, Ф.Х.Рахимов, В. Каримов, З.Ф.Иноғомжонова, Р.Қабулов, Д.М.Миразов, Ф.М.Мухитдинов, У.А.Тухташева, Г.З.Тўлаганова, Д.Базарова, О.М.Мадалиев, Д.С.Довудова, Ш.Хақназаров, Д.Исраилов, Д.Чориева, Л.Югай, А.С.Пўлатовлар<sup>3</sup> томонидан тайёрланган илмий ишларда жиноят процессида суд ва прокурор назорати фаолиятининг айрим жиҳатлар тадқиқ қилинган.

Жумладан, З.Ф.Иноғомжонова жиноят процессида суд назорати ва уни амалга ошириш муаммолари (2006), Ғ.М.Шодиев Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи тергов ҳаракатлари устидан суд назорати (2010), Д.М.Миразов дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан контроль ва назоратни такомиллаштиришнинг назарий, ташкилий ва процессуал жиҳатлари (2016), Б.Мўминов жиноят ишларини судга қадар юритиш устидан суд назорати (2020) муаммоларини ўрганганлар.

<sup>3</sup>Мазкур олимларнинг илмий ишлари диссертация ишининг фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмида кўрсатилган.

МДХга аъзо мамлакатларнинг – А.В.Смирнов, Н.Н.Ковтун, В.М.Когон, В.М.Быков, Г.П.Химичева, А.Р.Белкин, С.А.Адилов, Н.Г.Муратова, Н.Г.Стойко, А.В.Красильников, Х.Х.Хаджиев, В.Б.Ястребов, В.А.Азаров, А.В.Спирин, О.В.Глянько, Э.Бест, С.Телесбай, В.И.Басков, О.В.Рябковалар каби олимлари прокурор ва суд назорати ҳамда тергов судьяси мақомига бағишланган тадқиқот ишларини олиб борганлар<sup>4</sup>.

Мазкур тадқиқотлар таҳлилидан кўриш мумкинки, уларнинг аксар қисмида прокуратура ва суд назорати фаолиятининг асосий йўналишларини амалга ошириш билан боғлиқ кўплаб муҳим назарий масалалар муҳокама этилган. Шу боис, прокурор ва суд назорати соҳасидаги ваколатлари ўртасидаги ўзаро мутаносибликни шакллантиришга оид кўплаб назарий масалалар ҳали ҳам долзарб бўлиб қолмоқда.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган бўлиб, «Қонун устуворлигини таъминлаш ва одил судловни амалга ошириш муаммолари» мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мамлакатимиз жиноят процессида прокурор ва суд назоратининг ўзаро мутаносиблиги билан боғлиқ ҳуқуқий нормаларни, бу соҳадаги илмий-амалий концептуал ёндашувларни ривожлантиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

жиноят иши қўзғатилиш босқичида прокурор ва суднинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини таъминлаш бўйича фаолиятини таҳлил қилиш;

жиноят процессида прокурорнинг назорат ваколатларини ўзгариши билан боғлиқ айрим масалаларни таҳлил этиш;

идоравий назорат, прокурор назорат ва суд назорати ўртасидаги ўзаро мутаносиблигининг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ қилиш;

жиноят процессига тергов судьяси институтини жорий қилишнинг аҳамияти ва заруратини асослаб бериш;

жиноят процессида тергов судьясининг процессуал мақомига оид масалаларни таҳлил қилиш;

тергов судьясининг назорат предмети доира билан боғлиқ масалаларни ўрганиш;

жиноят иши қўзғатилиш босқичида суд контролининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш;

ривожланган давлатларнинг тергов судьясини жиноят-процессуал ҳуқуқий мақомини ўрганиш ва амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, қонунни қўллаш амалиётини самарадорлигини ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар тайёрлаш.

---

<sup>4</sup>Ушбу олимлар асарлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида жиноят процессида прокурор ва суд назоратининг ўзаро мутаносиблиги билан боғлиқ юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар тизими олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** жиноят процессида прокурор ва суд назоратининг ўзаро мутаносиблиги билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи миллий, халқаро ва хорижий мамлакатлар қонун нормаларининг ривожланиш йўналишлари, идоравий, прокурор ва суд назорат қилиш билан боғлиқ ваколатларини амалга оширишини тартибга солувчи илмий-назарий қараш ва амалиётдаги тажрибалар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда формал мантиқ, тизимлилик, киёсий-ҳуқуқий, амалиётда юритилган жиноят ишларининг ҳамда эмпирик материаллар ва статистик маълумотларнинг таҳлили, социологик сўровлар ўтказиш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

судья, тергов судьяси, прокурор, терговчи, суриштирувчи, терговга қадар текширув ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи мансабдор шахслар, ишда қатнашаётган шахсларнинг шаъни, кадр-қимматини ҳурмат қилишлари шартлиги асослантирилган;

тергов судьяси прокурорнинг, суриштирувчининг, терговчининг, терговга қадар текширув ва тезкор-қидирув фаолиятни амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг қарорлари ва ҳаракатларни (ҳаракатсизлиги) қонунийлиги ва асослилиги тўғрисидаги шикоятларларни кўриб чиқиши мумкинлиги асослантирилган;

жиноят ишлари бўйича биринчи инстанция судининг апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилган ҳукмлари ва ажримлари устидан шикоят ёки протестларни тафтиш инстанциясида кўриб чиқилиши асослантирилган;

жиноят процессининг ҳар қандай босқичида прокурор ва суд томонидан гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи жиноят процессида ҳимоячи олиш имкониятига эга бўлмаганида, уларни Конституция ва қонунларда назарда тутилган тартибда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокат билан таъминлаши кераклиги асослантирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тергов судьясининг ваколатлари нафақат жиноят процессуал мажбурият чораларини қўллашга руҳсат бериш ва узайтириш учун асослар мавжудлиги ва қонунийлигини текшириш (айблов томон тақдим этган ҳулосалар ва далилларга таянишни барҳам бериш ва мувозанатни таъминлаш), балки эҳтиёт чораларни қўллашда иштирок этаётган шахслар далилларни тақдим этишда тенглик ва тортишувчанликни таъминлашдан иборатлиги асослантирилган;

суд назорати прокурор назоратини такрорламайди, балки шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим процессуал қафолат бўлиб хизмат қилади. Шахс ҳуқуқ ва эркинликлари чекланаётганда назорат уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда дастак сифатида муҳим роль ўйнаши асослаб берилган;

камоққа олиш тўғрисидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани асослантирувчи зарур материаллар, жумладан, жиноят иши

кўзгатиш тўғрисидаги қарорнинг, жиноят ишида гумон қилинувчи, айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорнинг, ЖПК 221, 225-моддалари тартибида тузилган ушлаб туриш баённомасининг, гумон қилинувчи, айбланувчининг шахсига оид маълумотларга доир ҳужжатларнинг, ҳимоячи ордерининг ёхуд ҳимоячидан воз кечиш ҳақидаги баённоманинг, шунингдек шахсда жиноий қилмиш мавжудлигини кўрсатувчи ёки айбдорлигини тасдиқловчи маълумотлар (аудио ва видеоёзувлар) ёхуд бошқа далилларни тақдим этиш таклифи берилган;

прокурорнинг жиноят ишини кўзгатиш босқичидаги вазифалари - суриштирув, дастлабки тергов, терговга қадар текширув ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи идораларнинг жиноятлар тўғрисидаги ариза, хабар ва маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал этишга оид қонун ҳужжатларининг белгиланган тартиби бузилишининг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этиш, шунингдек жиноят процессининг дастлабки босқичида иштирок этувчи инсон ва фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш чораларини кўришдан иборатдир - деган муаллифлик таърифи берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижалари қонунчилик нормалари, айрим хорижий давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, Конституция ва қонунларда умумэътироф этилган қоидалар ва соҳага доир уч йиллик (2021-2024) эмпирик ва статистик маълумотлар таҳлили, 1734 нафар мутахассис ходимлар ўртасида ўтказилган социологик тадқиқотлар натижаларини умумлаштириш орқали исботланган бўлиб, хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган ҳамда олинган натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан келгусида илмий фаолиятда, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришда, прокуратура фаолиятининг концептуал ғояларини янада ривожлантириш, шунингдек суд фаолиятини оптималлаштириш, тергов судьяси мақоми билан боғлиқ қонунчилик янгиликларини шакллантириш, тортишувчанлик принциплар назарияси каби институтларни илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишда келтирилган хулосалар, қоидалар ва таклифлар амалга оширилганда судгача бўлган босқичда прокурор ва суд назорати сифати ва самарадорлигини оширишга ёрдам беради, суд назоратини оптималлаштириш мақсадида янги тергов судьяси институтини жорий қилиш орқали тарафларга далилларни тақдим этишда тенглик ва тортишувчанлик муҳитини яратиш, прокурор ва суд назорати ўртасидаги ўзаро мутаносибликни аниқлаш, судгача бўлган босқичда жисмоний ва юридик шахсларни муҳофаза қилишда прокурор ва суд назорати самарадорлигини ошириш ҳамда назорат субъектлар томонидан қонун ҳужжатларига риоя

этилишини таъминлаш бўйича текширишларни тайёрлаш ва ўтказишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жиноят процессида прокурор ва суд назоратининг ўзаро мутаносиблигига оид масалаларни тадқиқ этиш натижалари асосида:

судья, тергов судьяси, прокурор, терговчи, суриштирувчи, терговга қадар текширув ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи мансабдор шахслар, ишда қатнашаётган шахсларнинг шаъни, кадр-қимматини ҳурмат қилишлари шартлиги ҳақидаги таклифидан «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги лойиҳасининг 17-моддасида инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2024 йил 3-январдаги 27/2-378-24-сон далолатномаси). Ушбу таклифлар тергов судьяси томонидан шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ва қонунларнинг ижро этилиши имкониятларини таъминлашга хизмат қилган.

тергов судьяси прокурорнинг, суриштирувчининг, терговчининг, терговга қадар текширув ва тезкор-қидирув фаолиятни амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг қарорлари, ҳаракат ёки ҳаракатсизлигини, қонунийлиги ва асослилиги тўғрисидаги шикоятларларни кўриб чиқиши мумкинлиги ҳақидаги таклифидан «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги лойиҳасининг 2701-моддасида инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2024 йил 3 январдаги 27/2-378-24-сон далолатномаси). Ушбу таклифлар тергов судьяси томонидан шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қонунларнинг ижро этилиши имкониятларини таъминлашга хизмат қилган.

биринчи инстанция судининг апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилган ҳукмлар ва ажримлари устидан берилган шикоятлар тафтиш инстанцияси судида кўриб чиқилиши кераклиги ҳақидаги таклифидан Ўзбекистон Республикасининг «Суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2023 йил 27 сентябрдаги ЎРҚ–869-сон Қонунининг 1-моддаси 3-бандида инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлар институтининг 2024 йил 29 майдаги 3/07-138-сон далолатномаси). Суд жиноят ишини апелляция, кассация, тафтиш тартибида кўришда шикоят ёки протест бериш орқали шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятларини кўпроқ таъминлашга хизмат қилган.

прокурор ва суд гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи жиноят процессида ҳимоячи олиш имкониятига эга бўлмаганида, уларни давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокат билан таъминлаши кераклиги ҳақидаги таклифидан Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан «Ўзбекистон Республикасининг айрим

қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 2024 йил 27февралдаги ЎРҚ–915-сон Қонунининг 1-моддаси 1-бандида инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлар институтининг 2024 йил 29 майдаги 3/07-138-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий қилиниши прокурор ва суд томонидан шахсларни ҳуқуқларини ҳимоя қилишда давлат томонидан назоратни амалга ошириш, қонунларнинг ижро этилиши имкониятларини кўпроқ таъминлашга хизмат қилган.

**Диссертация тадқиқоти натижаларининг апробацияси.** Ушбу диссертация тадқиқоти натижалари 6 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 2 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Диссертация тадқиқоти натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, жумладан, 8 та илмий мақола (шулардан 2 таси хорижий нашрлар) 5 та илмий конференция тўпламларида (шундан 1 таси хорижий нашр) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш қисми, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти, тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишларига мослиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Жиноят ишини қўзғатишга босқичида прокурор назоратини амалга ошириш асослари**» деб номланувчи биринчи бобида жиноят иши қўзғатилиш босқичида прокурорнинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини таъминлаш бўйича фаолияти, жиноят процессида прокурорнинг назорат ваколатларини ўзгариши билан боғлиқ айрим масалалар ҳамда идоравий назорат, прокурор назорат ва суд назорати ўртасидаги ўзаро мутаносиблигининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган.

Муаллиф идоравий назорат, прокурор назорат ва суд назорати ўртасидаги ўзаро мутаносиблигининг ўзига хос хусусиятлари бўйича процессуалист олимлар ва чет эл қонунчилик тажрибасини турли нуқтаи назардан таҳлил

қилинган, унинг натижаси олимлар ва чет эл қонунчилигида ягона концепция мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Мазкур бобда жиноят процессида назорат фаолияти тушунчаси ва турлари, идоравий назорат, прокурор назорати ва суд назоратининг умумий тавсифи шрганилган.

Тадқиқотчи томонидан идоравий назорат, прокурор назорати ва суд назорати турларининг мутаносиблиги ва зиддиятсизлиги (зиддиятларни аниқлаш) муаммоларини тадқиқ этиш орқали, давлат органлари ва ҳокимиятлар ўртасидаги назорат ваколатлари тақсимлаш, шунингдек ушбу фаолият самарадорлигини ошириш йўллари илмий асослаш ва аниқлаш ҳамда амалиётдаги мавжуд муаммоларга барҳам бериш зарурати билан боғлаган ҳолда долзарблигини очиб берган. Бундан ташқари, идоравий буйруқлар ҳам процессуал назоратни амалга ошириш шакли сифатида органнинг мансабдор шахслари ваколатларининг мазмун жиҳатига ва фарқланишига таъсир қилинишини таҳлил қилинган.

Прокурор жиноий таъқибни амалга оширувчи барча органлар устидан назоратни амалга оширади. Суриштирув органи бошлиғининг, тергов органи раҳбарининг фаолияти эса, фақат идоравий процессуал назоратдан иборатдир.

Диссертантнинг фикрича, идоравий назорат, прокурор назорат ва суд назорати умумий мақсадларда яъни жиноят ишлари юритувида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатлаш тизимининг ишончлилигини оширади. Идоравий назорат, прокурор назорат ва суд назоратининг ўзаро ҳамкорлиги натижасида – жиноят тўғрисидаги хабар, унинг оқибатида қабул қилинган қарорлар, хатти-ҳаракатлар (ҳаракатсизлик), эҳтиёт чоралар ва ўтказилган текширув натижалари бўйича қабул қилинган қарорларни текширишнинг қонунийлигини назорат қилишдан иборатлигини асослантирилган.

Идоравий назорат функциясини амалга ошираётган тергов органи раҳбари терговчига терговнинг йўналиши, айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш, шахсни айбланувчи тариқасида жалб қилиш, гумон қилинувчига, айбланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш, жиноятни квалификация қилиш ва айблов ҳажми тўғрисида кўрсатмалар беришга ваколатлидир.

Шахс ҳуқуқларига риоя этилиши устидан идоравий назоратни амалга ошириш жараёнида, инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ҳар доим ҳам амалга оширилмай қолади. Масалан, амалиётда жиноятларни ҳисобдан яширишнинг оммавий ҳолатлари хавотир уйғотишда давом этмокда. Шу мақсадда, идоравий назорат, прокурор назорат ва суд назоратига оид масалаларни қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Прокурорнинг электрон назорати - прокуратура органлари томонидан назорат функцияларини амалга ошириш учун рақамли технологиялардан фойдаланишни назарда тутаяди. Электрон назорат - электрон ҳужжат айланиши, маълумотларни таҳлил қилиш ва терговга қадар текширув ва тергов даврида қонунларга риоя этилишини мониторинг қилиш учун онлайн платформалардан фойдаланишни ўз ичига олади.

Тадқиқотчи электрон назорат орқали қуйидаги масалалар ечим топиш мумкин деган хулосага келган: а) амалиётга замонавий технологияларни жорий қилиш орқали, прокурор назорати амалиётига нафақат фуқаролар билан электрон мулоқотни ўрнатилишига, балки ҳар бир фуқаро ўз мурожаатларини қайси босқичда эканлигини кузатиш имкониятига эришилади; б) бунинг учун жиноятлар тўғрисидаги аризалар ва хабарларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш бўйича (автоматлаштирилган тизим) терговга қадар текширув, тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув, дастлабки тергов органларини ҳаракатларини кузатишга имкон берадиган ягона маъмурий регламентини (электрон дастур) қабул қилиш зарур; в) таклиф этилаётган ўзгартиришларнинг мазмун-моҳияти жинойий иш қўзғатишни мустақил рад этишдан ёки ариза ва шикоятларни давомийлиги ҳаддан ташқари узок ёки амалга оширилган процессуал ҳаракатлар ҳажми эса ҳаддан ташқари кўп ёхуд процессуал ҳаракатларни кетма-кетлиги билан амалга ошириш, шунингдек, фуқаролар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни соддалаштиришга (оптималлаштиришга, осонлаштиришга, вақт ва ресурсларни тежашга, давлат органлари ўртасида кўприк сифатида хизмат қилади ҳамда текшириш, назорат қилиш вазифасини ўтайди) олиб келади; г) жиноят иш бўйича судгача бўлган иш юритишда шахс ҳуқуқларининг кафолатлари кўлами ортади; д) жиноят ҳақида ариза ва хабар бериш тартиби соддалаштирилади; е) электрон қайд этиш тизимини жорий қилиш терговга қадар текширув, тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув, тергов сифатини ошишига олиб келади; ё) электрон мурожаат исботланиши лозим бўлган ҳолатлар тўғрисида дастлабки маълумотларни тўплашни таъминлашга олиб келади; ж) прокурорнинг электрон идоралараро кузатув орқали (ҳаракати, ҳаракатсизлиги ва қабул қилинган қарорларни) жиноят ҳақида ариза ва шикоятларни ўз вақтида ва қонунийликка риоя этилишига таъминлаш имконини беради.

Суд назорати ва прокурор назоратининг ўзига хос жиҳатларини ажратиш ва бир-бирини такрорламаслигини исботлашга уринган. Буни тасдиқлаш учун бир қанча сабабларни келтириш мумкин: биринчидан, жиноят иши бўйича суриштирув ва терговнинг боришини прокурор назорат қилади. Яъни, судгача бўлган процесда прокурор назорати жиноят иши қўзғатилган пайдан эътиборан ва тугалланган жиноят иши судга юборилгунга қадар ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилингунга қадар амалга оширилади, бу эса ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга чек қўйишга ёрдам беради; иккинчидан, прокурорга жинойий иш бўйича барча керакли маълумотлар ўз вақтида келиб тушади ва тезкорлик (таъсир чора-тадбирларни кўриш) билан ҳаракат қилиши даркор бўлди. Бунда суднинг вазифалари иккинчи ўринни эгаллайди; учинчидан, жиноят иши юритаётган мансабдор шахслар томонидан берилган маълумотлар асосида прокурорда давом этаётган суриштирув ва тергов ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил бўлади ва бу эса тўғри қарор қабул қилишга ёрдам беради. Суд эса муайян жиноят ишининг моҳиятини тўлиқ тушунмаган ҳолда, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни асосиз равишда рад этиши ёки аксинча, руҳсат бериши мумкин. Буларнинг

барчаси, шубҳасиз, судгача бўлган иш юритишда назоратининг сифатига, хусусан, қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга таъсир қилади; тўртинчидан, суд назорати суд фаолиятининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, фақат вақти-вақти билан амалга оширилиши мумкин, мисол учун жиноий таъқиб қилувчи органларнинг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоятни кўриб чиқишда ёки айрим процессуал ҳаракатларга рухсат беришда (масалан, ҳибсга олишда).

Диссертант, прокурор назоратини суд назорати орқали чегаралаш ўз-ўзидан мақсад қилинмаган, балки қонун устуворлигини мустаҳкамлаш ва жиноят жараёнини демократиялаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни янада оширишни кўзлаган. Улар ўртасидаги нисбат шахс, жамият ва давлат манфаатлар ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ, исботлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш билан олдиндан белгиланади. Прокурор фаолиятининг табиати жиноий таъқиб қилишда қонунийликни, яъни давлат ва жамият манфаатларини таъминлашдадир. Суд назорати шахсий манфаатларни ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, табиийки, бу тергов органлари ва прокурорлар томонидан йўл қўйилган хатоларни судгача бўлган босқичдаги процесс иштирокчиларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, суд жараёнида эса содир бўлган қонун бузилишларини бартараф этишни назарда тутади.

Унинг фикрича, суд назоратининг мақсадлари: биринчидан, жиноят иши кўзгатилиш босқичида қонун бузилишини олдини олиш; иккинчидан, жиноят процессида иштирок этаётган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш; учинчидан, қабул қилинган қарорлар қонунийлиги ва асослилигини назорат қилиш; тўртинчида, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклашдир.

Тадқиқотчи, суд ва прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятларини қуйидаги элементлари билан ажратишга ҳаракат қилган: 1) суд ва прокурор ўз вазифаларини бир-биридан мустақил равишда амалга оширади; 2) прокурор назорати доимий ҳамда тезкор таъсир чораларини кўриш билан барча жиноят ишларига таъсир қилади ва тергов иштирокчилари ва бошқа манфаатдор шахсларнинг аризасини талаб қилмайди; 3) қонунийликни назорат қилиш суднинг эмас, балки прокурорнинг асосий вазифасидир; 4) прокурор давлат айбловини қўллаб-қувватласа, суд назорати холис, беғараз ва мустақил ҳокимият сифатида инсон ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини янада самарали ҳимоя қилишни назарда тутади; 5) суд назорати умум эътироф этилган халқаро нормалар ва тегишли миллий конституциявий нормалар мувофиқ амалга оширади; 6) суд назорати орқали фақат суд фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини (етказилган зарарни) тиклаши мумкин; 7) суднинг назорат фаолияти прокурор назоратини нафақат алмаштирмайди, балки такрорламайди; 8) прокурор назорати ва суд назорати ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтарилганлиги билан ифодаланади.

Жиноят иши қўзғатилиш босқичида прокурор назоратининг предмети - суриштирув, дастлабки тергов, терговга қадар текширув ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи идораларининг жиноятлар тўғрисидаги ариза, хабар ва маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал этишдаги фаолиятининг қонунийлиги, шунингдек, ушбу босқичда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳисобланади.

Идоравий, прокурор ва суд назорати қўйидаги хусусиятларга эга: а) прокурор назорати доимий амалга оширилади; б) идоравий назорат, прокурор назорати кўпроқ ноошқора усул ва шаклларда амалга оширилади; в) суд назорати ошқораликни талаб этади; г) суд назорати вақти-вақти билан амалга оширилади (шикоят келиб тушганда); д) идоравий назорат терговчининг ўз вақтида ҳаракат қилишини назорат қилиши назарда тутилади.

Диссертациянинг якунида, идоравий назорат ўзининг идоравий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда прокурор назоратидан самаралироқ бўла олмайди, холислик ва беғаразлик мезонларига жавоб берадиган суд назорати эса доимий ва тизимли эмас, чунки суд жиноят ишлари бўйича судгача бўлган иш юритишда фақат процесснинг бошқа иштирокчилари ташаббуси (шикоят билан мурожаат қилгандагина, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан шикоятларни кўриб чиқишда ёки дастлабки тергов органларининг фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи процессуал ҳаракатларни амалга оширишга розилик бериш тўғрисидаги илтимосномаларини кўриб чиқишда) билан иштирок этади.

Диссертациянинг **«Жиноят процессида тергов судьясининг процессуал мақомининг назарий ва ҳуқуқий асосларининг ўзига хос жиҳатлари»** номли иккинчи бобида жиноят процессига тергов судьяси институтини жорий қилишнинг аҳамияти ва зарурати, тушунчаси, тергов судьясининг процессуал мақомига оид масалалар, тергов судьясининг назорат предмети ва доирасига оид масалалар таҳлил қилиниб, уларнинг илмий-назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган.

Диссертациянинг *«Жиноят процессига тергов судьяси институтини жорий қилишнинг аҳамияти, зарурати ва тушунчаси»* деб номланган биринчи параграфида Ўзбекистон Республикасида тергов судьяси институтини жорий қилиш орқали «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармонининг 15-мақсадида белгилаб қўйилган асосий вазифалардан бири - тезкор-қидирув, суриштирув, дастлабки тергов устидан янги суд назоратини ўрнатилганлигини таъкидлаган.

Биринчи навбатда суд-ҳуқуқ ислохотлари натижасида инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, асоссиз жиноий таъқиб ва хусусий ҳаётга аралашидан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқининг самарали муҳофаза этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги 2005 йил 8 августдаги ПФ-3644-сон Фармонига мувофиқ, прокурорнинг айрим

назорат функцияларини қайта тақсимлаш орқали суд ҳокимияти ваколатлари кенгайтирилганлигини таҳлил қилган. Тадқиқотчи судьянинг ЖПК 29-моддасида кўрсатилган айрим санкция ва мажбурлов чораларни қўллашга оид ваколатлари тергов судьясига ўтказилиши оид илмий-амалий томондан таҳлил қилишга уринган.

Бундай ёндашув, биринчи навбатда, миллий процессуалист олимларнинг илмий изланишларига асосланган суд назоратининг доктринал моделини ишлаб чиқиш зарурлигини белгилаб берди. Диссертант тергов судьясига оид илмий-назарий қарашларни жумладан миллий процессуалист олимлардан Г.Тўлаганова, Ф.Мухитдинов, Б.Мўминов, Д.Миразов, Д.Довудова, Д.Чориева, А.Юлдошбеков, Л.Югай, Б.Ш.Қобулов каби ишларни тадқиқ қилган. Илмий ишлар мазмуни жинойт процессида «тергов судьяси» функциясини амалга оширишнинг турли жиҳатларини қамраб олади. Ўзбекистон Республикасининг жинойт процессида суд назоратининг шаклланишининг учта босқичини ажратиб кўрсатиш имконини беради: 1) Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиши ва янги Конституциянинг қабул қилиниши; 2) жинойт процессига суд назоратининг янги мустақил иштирокчиси - тергов судьясининг жорий қилиниши; 3) суд назоратининг амалдаги жинойт процессуал тартибларини такомиллаштириш даври ва уни судга қадар иш юритишда қўллаш доирасини кенгайтиришга заруратини қайта кўриш.

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ёки уларга путур ёки зарар етказишга қодир бўлган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқининг берилиши ушбу хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан назорат қилиш рўйхатини сезиларли даражада кенгайтириш имконини берди. Яъни 2025-йил 1-январдан суд тизимида янги лавозим тергов судьясини жорий қилиниши суд тизимини туб моҳиятини ўзгаришига олиб келди.

Муаллиф тергов судьясига тааллуқли ваколатлар доирасини чуқур тадқиқ қилган. Шу билан бирга, тадқиқотчи миллий жинойт процессуал қонунчилигига янги институтни яъни суд тизимида тергов судьяси институтини жорий қилиш ва бундай модел инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш зарурлигидан келиб чиқишини асослантирган.

Тергов судьясининг асосий вазифалари қуйидаги элементларда намоён бўлади: 1) жинойт процессида қонун устуворлиги принципини таъминлаш; 2) инсон ва фуқароларни конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилиш, ҳурмат қилиш ва таъминлаш; 3) судгача бўлган иш юритишда тортишувчанликни, тенгликни (тортишувчанлик ва тенгликни далилларни тўплаш ва текшириш учун ҳимоячи (адвокат)нинг имкониятларидан келиб чиқиб, конституциявий ҳуқуқларини тергов судьяси орқали ҳимоя қилиш назарда тутилади) рўёбга чиқариш; 4) самарали суд назоратини ташкил этиш; 5) жинойт ишларини юритишда тергов органлари ҳаракат (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари қонунийлигини назорат қилиш.

Тадқиқотчи, тергов судьясининг процессуал мақоми унинг асосий функцияси билан боғлиқлигини қайд этган. Тергов судьясининг ваколатлари

нафақат жиноят процессуал мажбурлов чораларини қўллашга рухсат бериш ва узайтириш учун асослар мавжудлиги ва қонунийлигини текширади, балки тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув, дастлабки тергов иштирокчилари ўртасида юзага келадиган ҳуқуқий низоларни ҳал қилиш масалаларини, шунингдек, жиноят ишларда далилларни тақдимга этиш, тўплаш ва текшириш масалаларни ҳам қамраб олади. Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан «тергов судьяси» тушунчасига қуйидаги таъриф берилган. «Тергов судьяси – судга қадар иш юритиш босқичида, терговга қадар текширув, тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув ва дастлабки тергов даврида жиноят процесси иштирокчиларнинг шикоятлари ва илтимосларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш, далилларни тўплаш ва текширади шунингдек шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан суд назоратини амалга оширади».

Муаллиф олимларнинг фикрини таҳлил қилиб, судьяга (эҳтиёт чорасини: қамоққа олиш) ваколатларнинг берилиши худди (суриштирувчи, терговчи каби) жиноий таъқиб функциясини амалга ошираётгандек дахлдорлигини асослаб берган. Унинг таъкидлашича, судья эҳтиёт чорасини қўллашнинг дастлабки босқичлардаёқ айбдорлик масаласи билан чекланганлигига эътибор қаратади, демак бу қонун талабларидан қатъи назар, жиноий таъқибга алоқадорликка олиб келади. Шу мақсадда, суд-ҳуқуқ тизимига янги лавозим яъни судгача бўлган иш юритишда суд назоратининг барча шакллари амалга ошириши мумкин бўлган тергов судьяси лавозимини жорий этиш зарурлигини асослантириб ва муаммони илмий нуқтаи назарда ечимини топишга ҳаракат қилган.

Шу муносабат билан тадқиқотчи тергов судьяси лавозимини жорий қилиш орқали, суднинг тўлиқлиги ва холислигига эришиш мақсадида исботлаш жараёнига бевосита таъсир кўрсатиш имконини берувчи махсус функцияларни бериш лозим, деган хулосага келади.

Тергов судьяси процессуал мақомининг муаллифлик моделини ишлаб чиқиш орқали иш бўйича далилларни бир ёклама тўплаш амалиётига барҳам беради, далиллар тортишув муҳотида тўпланиб, уларнинг ҳаққонийлиги ва ишончлилиги таъминланади, бу эса ҳақиқатни аниқлашга хизмат қилади

Дисертант юқоридаги олимларнинг фикри ва қонунларнинг таҳлилидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, «Прокуратура тўғрисида»ги қонун ва бошқа қонунларга суд назорати, тергов судьяси, прокурор назорати, идоравий назоратнинг ўрни ва ролини белгилайдиган қоидаларни ўз ичига олган мустақил бўлим, модда билан тўлдириш мақсадга мувофиқлигини илгари сурган.

Диссертация ишининг «**Хорижий мамлакатлар жиноят процессида прокурор ва суд назоратининг ўзига хослиги**» номли учинчи бобида жиноят иши қўзғатилиш босқичида суд контролининг ўзига хос хусусиятлари, Тергов судьясининг жиноят-процессуал ҳуқуқий мақомига оид хорижий тажрибалар илмий ва назарий жиҳатдан ўрганилган.

Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилиниши оқибатида, жиноят ва жиноят процессул ҳуқуқ концепциясида янада ривожлантирилди, унда жиноят процессининг судгача бўлган босқичларида суд назоратини босқичма-босқич кенгайтириш жиноят суд ишларини юритишни такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 27-моддаси ва жаҳон тажрибаси мувофиқ, ислохотни босқичма-босқич амалга ошириш жараёнида, прокурор ваколатидан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи; шахсларнинг конституциявий ҳуқуқларини жиддий равишда чеклайдиган тергов ҳаракатларини санкциялаш ваколатини ўтказиш; ноошкора тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларини санкциялаш ваколатини судларга ўтказилиши назарда тутилган.

Муаллифнинг айтишича, янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар Ўзбекистон Республикасининг ЖПК бўйича эҳтиёт чораларини суд томонидан қўллаш тартибининг такомиллашмаганлиги билан боғлиқ бўлиб, бу Ўзбекистон Республикасида янги муаммонинг юзага келишига асос бўлди, унинг моҳияти судга қадар юритиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашни умумий юрисдикция судлардан, яъни мазмунан кўриб чиқувчи судьялар корпусидан узоклаштириш зарурлигидан иборат эди. Бу аввало, қуйидаги бахс-мунозарага сабаб бўлди, яъни агар судья илгари худди шу иш бўйича судланувчини ҳибсга олишга рухсат берган бўлса, суд муҳокамаси давомида ўз фаолиятида холисликни, беғаразликни бирлаштириши мумкинми?

Масалан, судья бир вақтнинг ўзида холисликни бирлаштира оладими, агар у илгари худди шу иш бўйича ҳибсга олиш учун ажрим берган бўлса? Ўзбекистоннинг кўплаб туманлари судларида бир таркиблик судлар мавжудлигини ҳисобга олсак, бу муаммо принципиал аҳамиятга эгадир. Яъни, судья эҳтиёт чорасини танлашда гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг айби ёки айбсизлиги масаласи олдиндан белгилаб қўйилган деб тахмин қилинади, чунки ҳибсга олиш санкциясини бериш билан судья ушланган шахс ҳақида жиноят содир этган деган танловни танлаб, қарор қабул қилиб бўлган бўлади. Бунда бир томондан, судьяда бир вақтнинг ўзида таъқиб функцияси вужудга келмоқда; иккинчи томондан, судьяда холис, беғарлик муаммоси юзага келмоқда; учинчи томондан, суд назорати масаласи кўтарилди. Конституция ва қонунларга мувофиқ, судья одил судлов функциясини амалга ошириши лозим. Шунинг учун, тадқиқотчи, судьяда холислик, беғаразлик, таъқиб функцияни олдини олиш яъни одил судлов функцияси сақлаб қолиш мақсадида бундай субъект фақат тергов судьяси бўлиши мумкинлиги асослаб берган. Тергов судьяси ташкилий ва функционал жиҳатдан одил судловни амалга ошириш ваколатларидан озод қилиниши кераклиги исботлашга уринган.

Диссертант суд тизими, тергов судьяси билан боғлиқ бир қатор хориж тажрибасини ўрганиб, чет эл мамлакатларда жиноят ишлари юритувида жиноят ишини судга қадар тергов қилиш босқичида гумон қилинувчи ва

айбланувчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига риоя этиш, идоравий, прокурор ва суд назорати, тортишувчанлик принципи, шикоятларни кўриб чиқиш тартиби ҳамда ҳимоя қилинишнинг амалдаги кафолатларини таҳлил қилган.

Унинг фикрича, идоравий, прокурор ва суд назорати куйидаги хусусиятларга эга: а) прокурор назорати доимий амалга оширилади; б) идоравий назорат, прокурор назорати кўпроқ ноошкора усул ва шаклларда амалга оширилади; в) суд назорати ошкораликни талаб этади; г) суд назорати вақти-вақти билан амалга оширилади (шикоят келиб тушганда); д) идоравий назорат терговчининг ўз вақтида ҳаракат қилишини назорат қилиши назарда тутилади.

